

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажати
бўюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 11 апрель, № 70 (4223)

Чоршанба

ДИЛКАШ, МЕҲРИБОН, ФИДОЙИ

Республика «Шошинч тиббий ёрдам» илмий маркази шифокорлари элимизнинг ана шундай эътирофига сазовор бўлиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар

ларида ишлаб чиқарилган тиббиёт ускуналари ўрнатилган. Марказда тиббиётнинг таххис, жарроҳлик, нейрожарроҳлик, травматология, педиатрия, реанимация каби соҳа-

лари мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда унинг 12 филиали, туман ва шаҳарларда 172 бўлими фаол ишлаб турибди. Марказда соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шифокор ва ҳамшираларнинг аксарияти Германия, Италия, Япония ва АҚШ каби жаҳоннинг йирик мамлакатларидаги нуфузли тиббиёт муассасаларида малака оширишда бўлдилар.

Марказда бир йўла 760 бемор даволаниш имкониятига эга. Ҳар бир беморнинг аҳоли марказлаштирилган тизим орқали кузатиб турилади. Энг муҳими, мазкур даргоҳга келаётган ҳеч бир инсон умидсизликка тушмайди. Марказдаги тиббиёт ходимлари беморларга тезкор ва малакали хизмат кўрсатишмоқда.

Ф. САНАЕВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: марказ фаолиятдан лавҳалар.

Т. ҚҮРБОНБОВЕВ олган суратлар.



Ушбу Марказ мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилган ислохотларнинг ажойиб ютуқларидан биридир. Бу ерда дунёнинг энг тараққий этган давлат-



Тадбир

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш — устувор вазифа

Хоразм вилояти ҳокимлигида Миллий истиқлол ғояси тарғиботи ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда келгусидаги вазифалар муҳофазатига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ушбу масалаларни ўрганиш бўйича тузилган республика ишчи гуруҳи аъзолари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, идора ва ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижтимоий соҳа раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари қатнашдилар.

Вилоят ҳокими И.Бобожонов олиб борган мазкур кенгаш йиғилишида мустақилликнинг илк кунлариданоқ ҳуқуқимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани таъкидланди. Аҳолининг талаб-эҳтиёжлари ўрганилиб, ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, қариёлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланапти. Шунингдек, Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига синдириш, уларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш юзасидан ҳам изчил фаолият олиб боришмоқда.

Шунингдек, тадбирда жойларда ушбу йўналишлардаги ишларни амалга оширишда баъзи камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётгани, ечимини қутаётган муаммолар мавжудлиги қайд этилди.

Йиғилишда вилоятда янги иш ўринлари яратиш, экологик аҳолини яхшилаш, аҳолига талаб даражасида тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, ободончилик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда мавжуд муаммоларни бартараф этиш, гагдлар вазифалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

Ойбек РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси спорт вазири, Миллий олимпия қўмитаси президенти, 2008 йили Пекин шаҳрида ўтказиладиган XXIX ёзи Олимпиада йиллари ташкилий қўмитаси ижрочи президенти Лю Пэн раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири, Миллий олимпия қўмитаси раиси Рустам Қурбонов билан учрашди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар қатори спорт соҳасида ҳам тобора ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Музокарада спорт соҳасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш истиқболлари, икки мамлакат спортчилари ва спорт соҳаси му-

тахассислари ўртасида тажриба алмашишга доир янги лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳофазат қилинди. Келгуси йили ХХР пойтахти Пекин шаҳрида ўтадиган XXIX ёзи Олимпиада йилларида спортчиларни тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хитой делегацияси Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий тарбия ва спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб

қилиш, болалар спортини ривожлантириш, Олимпия ҳаракатини омдалаштириш каби кўплаб йўналишларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга юксак баҳо берди. Ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро майдонларда эришадиган улуғ муваффақиятлари ва мамлакатимизда ўтказиладиган нуфузли спорт муسابақалари бунинг ёрқин далилидир.

Ташриф давомида Хитой делегацияси Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи, «Олимпия шон-шухрати» музейи, Темирйўл тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси ва пойтахтимизнинг бошқа диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

Хитойлик меҳмонлар, шунингдек, Самарқанд шаҳрини ҳам зиёрат қилди.

Зоҳир ТОШХҲУЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

ПАРИЖ СИНОВЛАРИ

Ўзбек маданияти Франция пойтахтида яна бир бора намоиш этилди.



Парижда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» Фондининг ваколатхонаси очилишига бағишланган тадбирни Франция, Россия ва жаҳоннинг турли мамлакатлари оммавий ахборот воситалари етарли аҳамият бериб ёритмоқда. Бу воқеа яхшилик нишонасидир. ЮНЕСКО тарихида ва ташаббусида илк бор жамоатчилик фондининг бундай нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорлик Меморандуми имзоланишигиз ўзбек катта янгиликдир.

Ўзбекистонлик ёш модельерлар санъатининг жаҳонга машҳур Лувер мажмуасида намоиши, Франция сенати биносида «Ўзбекистон фото-санъати 125 йилда» антологиясининг тақдимоти ва фотосуратлар кўргазмаси ҳеч муболағасиз маданий алоқаларимиз тарихида рўй берган йирик воқеадир. Либослар намоиши Лувернинг марказий залларида берида ўтказилди. Тақдир этилган меҳмонлар дунёнинг энг

қадимий музейларидан бири бўлган Луврга доимо янгилик сари интилувчанликка мисол бўлган машҳур «ойнаванд пирамида» орқали ўтдилар. Намойиш этиш жараёнида томошбинлар Ўзбекистоннинг анъанавий ва замонавий мусикаси, рақс санъати билан яна бир бора танишишди.

Нигоҳ

Фарғоналик рақослар жуддети замонавий брейк — данс услубидаги чиқишлари билан залдагиларни ҳайратга солди. Бакуват ўзбекистонлик йиғиларнинг мардона рақсларида эса уларнинг Европа маданиятини нақадар мукамал эгаллагани яққол намойён бўлди. Миллий Ўзбек оғулу асбобларининг тароналари билан бу каби Фарб санъатини уйғуллаштиришда тамомил янги тажриба ҳам олиқчиларга сазовор бўлди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» Фонди кашф этган ва қўллаб-қувватлаётган ўзбек эстрадасининг ёш нихолчаси Хадича концертга нозик оҳанг бахш этди. Ёш хонанданинг бу чиқишлари икки қарра баҳоланди. Хадича халқимизнинг ёш қариси севиб хиргой қиладиган «Дуппи тикдим» қўшиғини, тоза фаранг тилида Шарль Азнавур каби француз умумташансонлари ҳам севиб қуйлайдиган қўшиқни зўр маҳорат билан

ижро этди. Шунингдек, оилавий ёш доираси Хакимовлар ансамбли ҳам томошбинлар томонидан улуғ кутиб олинди. Айниқса, уларнинг энг кичкинтойи — 4 ёшли ногорачи ҳаммани қойил қолдирди.

Бу борада ўзига тўқ, унчунмунча даъвогарларга, айниқса улар хоридан бўлса, пинагини ҳам бузмайдиган Париж аҳолини бирор йил англик билан лол этиш амри маҳол эканлигини ҳамма билди. Натига шуни кўрсатдики, ўзбек модельерлари ҳам анойилардан эмас. Моддалар масаласида нафақат кўзи, балки турли ранг-барангликлардан ҳам тўйган парижликлар эса тобора хайронликларини намойён қила бошлашди. Либослар кетма-кет намоиш этила бошлаши билан улардаги қизиқиш тобора ортиб борарди.

Айниқса, «Шухрат» медалига соҳиб Шерзод Отабоевнинг ўзига хос услуби, Артемнинг изланишлари барчани лол қолдирди. Албатта, улар ичиде тажрибалироқ бўлган Гулноранинг ижод намуналари кучли таассурот уйғотди. Унинг сўнгги моделларидан ўзбек миллий либосининг муҳим фрагменти бўлган «чачвон»нинг замона-

(Давоми 4-бетда).



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Варшавада тантанали қабул маросими

Мамлакатимизнинг Варшавадаги элчихонасида Ўзбекистон ва Польша ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Польшанинг сиёсий, ижтимоий ва ишбилармон доиралари вакиллари, шунингдек, ушбу мамлакат олий ўқув юрталарида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тарихи, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларини рўёбга чиқариш, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш борасида эришган муваффақиятлари ҳақидаги атрофлича маълумотлар кеча қатнашчиларнинг эътиборига ҳавола этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон дипломатия ваколатхонаси меҳмонлари халқимизнинг суюқли баҳор байрами — Наврўзи олам тарихи билан ҳам танишдилар. Ушбу байрам билан боғлиқ урф-одат ва анъаналаримиз кеча иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

«Жаҳон» АА.
Варшава.

Мамлакат Куролли Кучларига баҳорги чақирув бўйича йигитларни ҳарбий хизматга ҳўнатиш бошланди.

Жумладан, Наманганда ҳам муддатли хизматга йўл олган ёшларнинг дастлабки гуруҳини кузатишга бағишланган тантанали маросим уюштирилди. Унда иштирок этган уруш ва меҳнат фах-

Ватанимга хизмат қиламан!

рийлари, ота-оналар ҳамда жамоатчилик вакиллари эр кишининг Ватан мудофеасидаги ўрни ҳақида гапириб, юрт тинчлик-осойишталигини сақлашга отланган ўғлонларни шарафли

бурчи мардона оқлашга чақирдилар. Йигитлар қарнай-сурнай садолари остида хизмат жойларига ҳўнуб кетишди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СОҲИБҚИРОН ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасарруфидоги Солиқ академиясида «Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолияти — маънавий қудратимиз манбаи» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Мазкур академия ҳамда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқаро Амир Темур жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда академия профессор-ўқитувчилари, талабалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммадзонов, халқаро Амир Темур жамғармасининг раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ва бошқалар мамлакатимизда Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш ва авайлаб-асраш; ёшларимиз шу урига улуғ аҳдоларимизнинг бой маънавий меросини чуқур сингдириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Қизгин савол-жавобларга бой бўлган тадбирда таниқли санъаткорлар томонидан Амир Темур ва темир йўли шаҳзодаларга бағишланган саҳна кўринишлари ижро этилди.

Сирдарё вилояти Адлия бошқармасининг ташаббуси билан Боевўтуда «Оила муқаддас» деб номланган семинар бўлиб ўтди.

Муқаддас остона

Оилавий муносабатлар, ажралишлар ва никоҳларнинг қонунийлигини таъминлаш, соғлом оилалар барпо этилишига эътибор қаратиш, фарзандлар тарбияси семинарининг асосий мавзуси бўлди.

— Боевўтуда ўтган йили никоҳдан ўтганлар сони аввалги йилга қараганда 30 фоизга кўпайиб, ажралишлар сони эса 50 фоизга камайган, — деди сенатор Хаётоҳон Ортиқбоева. — Мана шундай яхши кўрсаткич бошқалар учун намуна вазифасини ўташи лозим. Оила қанчалик мустаҳкам, эзгуликка йўрилган бўлса, эртанги кунимизнинг пойдевори шунчалик пишиқ-пухта бўлади.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 10 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи.*

1 Австралия доллари	1021,36	1 Исландия крониси	18,70	1 Швейцария франки	1024,24
1 Англиш фунт стерлинги	162,07	1 Канада доллари	1086,72	1 ЕВРО	1673,13
1 Дания крониси	246,17	1 Хитой юани	162,07	10 Жапония	13,43
1 БАА дирҳами	341,10	1 Малайзия ринггити	363,55	10 Япония неанеси	104,96
1 АҚШ доллари	1252,44	1 Польша злотийиси	436,09	1 Россия рубли	48,31
1 Миср фунти	220,11	1 СДР	1893,94	1 Украина гривнаси	248,01
		1 Туркия лираси	916,00		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



КЎРКАМЛАШАЁТГАН МАРФИЛОН

Хар юмушнинг чевари бўл

«Хунарманд» уюшмасининг Марғилон шаҳар бўлими қошидаги «Устоз ва шогирд» марказини ўтган йилги 104 нафар ёшлар битириб чиқди. Улар орасида мисгарлар, дўппидўзлар, чеварлар, заргарлар бор.

— Ёшларнинг касбга бўлган қизиқишлари кундан-кунга ортиб бормоқда, — дейди марказ раҳбари Каримберди Ризаев. — Шу кунларда марказимизда яна 50 нафардан зиёд хотин-қиз таълим олаётди. Йил охиригача уларнинг сони 150 нафарга етади.

Этиборли томони шуки, марказда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул ўқитилапти.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари билан Фарғонага сафар қилганимизда 2000 йиллик тўй арафасида турган Марғилон шаҳрига ҳам бордик. Бурхониддин Марғинович шарафига ўрнатилган ёдгорлиқни зиёрат қилдик. «Ал-Ҳидоя» китобига бағишланган мухташам обида кўнглимизда ажиб ғурур туйғусини уйғотди.



Янгидан бунёд этилаётган хиббон эътиборимизни тортиди. Пирсиддик зиёратгоҳида амалга оширилаётган қурилиш ишлари халқнинг чин маънода кўтаринки кайфиятини ифода қилди. Синхрон сузиш ҳавзасига эга спорт иншооти эса нафақат шаҳар учун, бутун вилоят учун янгилик деб баҳоланмоқда.

Марғилоннинг Явқочар маҳалласи вакиллари билан гурунгимиз сафаримизнинг қаймоғи бўлди. Албатта, янги барпо этилаётган ажиб иншоотлар бизда яхши таассурот қолдирди, лекин барибир бугунги турмушга бефарқ бўлмаган одамлар билан мулоқотнинг ўрнини ҳеч нарса босолмасди. Бурхониддин Марғинович жамғармаси раиси Уктажон Эшонбобоев маҳалла фаолларини бизга таништирди. Аввалга тортиниб турган мезбонлар Олий Мажлис куйи палатасининг

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоларининг самимий, оддий тилда сўзланганларини кўриб очилиб кетишди.

Марғилонликлар ўз шаҳарларининг 2000 йиллиги мамлакат миқёсида тўй қилинаётганидан беҳад хурсанд эканликларини айтишди. Шундай тинч, осойишта ҳаётни таъминлаганлиги учун давлатимиз раҳбаридан миннатдорликларини билдирдилар. Марғилон йигирма аср ичида бугунгидек олий эҳтиромни, юксак эътиборни кўрмаганлигини таъкидлашди. Диний эркинлик, маънавий қадриятларнинг эъозланиши ҳар бир хонадонга нур таратаётгандай.

Маҳалладаги оддий одамларнинг водийга хос тавозе билан сузлашлари, очиги, бизнинг завқимизни оширди. Қандай бағрикенг, маданиятли, донишманд

халқимиз бор-а! Оддий суҳбатда ҳам ўзаро бир-бирларига мулозамат қилишди, ёшларини ҳисобга олиб, улуғларининг гап айтишини кутиб туришди.

Оппозит соқоли кўксига ярашиб турган нуруний отахонлар ўз шукрона сўзларини ажиб бир салмоқ билан сўзладилар. Депутатларни фақат телевизорда эмас, ўз маҳалламизда ҳам кўришимиз мумкин экан-ку, дея лутф қилдилар. Ҳамма нарса таққослаганда билинади. Хунармандлар ва ушғорлар меҳнати билан обод бўлиб келган Марғилон ҳақиқий юлдузли онларини бошдан кечирапти. Ўтган йили ушбу шаҳар фуқаролари Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантаналарни зўр эътибор билан кузатишди.

«Энди навбат бизга» деган сўзда ҳам ғурур, ҳам масъулият намоян эди. «Мана бу коллежга ўтган йили ҚРТ-

тўйига нима ҳисса қўшдим?» деган саволга жавоб излаши керак. Ана ўшанда шаҳримиз байрами ҳар бир қалбга кириб боради.

Бундай фаол позиция даврадагиларга ҳам кўчди. Одилжон ақанинг фикрини маҳалладошлар маъқуллашди. Депутатлар оддий одамларнинг шунчалик хушёр, заковат билан сўз юритишларидан мамнун бўлдилар.

Бугунги замондошимиз ким нима деса шундайча қабул қилавермайди. Унинг тафаккури ўн-ўн беш йил олдингисидан фарқ қилади. Бу, табиийки, одамларимизнинг ўзлигини, ўз ҳақ-ҳуққини англаб бораётганлигидан далолат. Биз интилаётган жамият — адолатли демократик фуқаролик жамияти айнан шундай фазилатни талаб қилади.

Маҳалла аҳли билан гурунгимиз поёнига етгач, хайрлашиб кетади. Қизик, ҳеч ким мулоқот туғашини хоҳламади. Маҳалла раиси ўзига хос мулозамат билан:

— Меҳмонлардан ўтинчимиз шу, бир-икки ойдан кейин шаҳримиз жудаям гўзаллашиб кетади. Гилос пишганда албатта келишга ваъда қилсаларингиз, руҳсат, деди.

Шундай самимий таклифни ким ҳам қабул қилмайди, рози бўлди.

Даврада ёши улуг оқсоқол қўлини дуога очди: — Омин, илоҳим, мана шу меҳмонларимиз ҳамма Марғилондай обод шаҳарларга келишаверсин, шундай оройишли ҳаётни бизга яратиб берганлар дунё тургунча бўлсин.

Бу дуога ҳамма қўшилди.


Шухрат ЖАББОРОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

АЭСда реактор тўхтаб қолди

Франциянинг Дампьер шаҳрида жойлашган Атом электр станциясида фалокат содир бўлди. АЭСнинг учинчи блокадаги электр тармоғи реактори қутилмаганда ишламай қолди. «Electricite de France» компаниясининг ядровий хавфсизлик бошқармаси вақтинчалик билдиришича, автоматик тарзда ишлайдиган механизм блок фаолиятини зудлик билан тўхтатган.

Мақсуд АЭСнинг учинчи блока 1981 йилда ишга туширилган. У режага кўра, 2021 йилга қадар ишлаши керак.



Австралия Афғонистондаги ҳарбий контингентини бир йил ичида икки бераварга кўпайтирмакчи.

Вазирнинг қарори

Буюк Британия ҳарбийлариға маълум бир маблағ эвазига оммавий ахборот воситаларига интервью бериш расман тақиқланди. 15 нафар Бирлашган Қироллик ҳарбий денгизчиси Эрондан қайтиб келгандан сўнг, мамлакат оммавий ахборот воситаларига интервьюлар бериб, катта миқдорда маблағ ишлаб олишди. Бу вояқдан сўнг мамлакат мудофаа вазири юқоридаги қарорни қабул қилди.

Мабдада айтилишича, денгизчиларнинг интервьюлари аҳоли орасида салбий кайфият уйғотган.

Ҳарбийларини кўпайтирмакчи



Мамлакат бош вазири Жон Хауарднинг таъкидлашича, ҳукумат шу йўл билан Толибон жангариларига қарши курашни авж олдирмакчи. Айни пайтда мақсуд мамлакатда 550 нафар австралиялик ҳарбийлар НАТО кучларига ёрдам бериб келаяпти.

Бош вазир яқин кунларда Афғонистонга аскарлар жўнатилма бошланишини ва 2008 йилнинг ўрталарига келиб мамлакат ҳарбийларининг сони 1000 нафарга етишини билдирди.


Ёпиқ эшиклар ортида



БМТ Хавфсизлик Кенгаши кеча ёпиқ эшиклар ортида Грузия — Абхазия муаммосини муҳокама қилишга киришди. Унда Грузия Бош вазири Зураб Ногаидели ва Абхазия вакилла-

ри иштирок этмоқда. Халқаро ҳамжамият Бош қотиби Пан Ги Мун 2006 йил октябрда мақсуд масала юзасидан қабул қилинган резолюциянинг бақаралиши ҳақидаги маърузасини Хавфсизлик Кенгашига тақдим этди. Унда таъкидланишича, резолюциядаги кўпгина шартларнинг бақаралиши борасида бирмунча силжиш бор, лекин расмий Тбилиси ва Сухуми ҳақида музокараларни бошлашмайпти.

Ҳисоб рақами музлатилгач...




Шимолий Корейнинг «Banca Delta Asia» банкидаги ҳисоб-рақами музлатилганидан сўнг расмий Пхеньян МАГАТЭ инспекторларини мамлакатга киритишга тайёр эканлигини билдирди. Бу ҳақда АҚШ Давлат қотиби ёрдамчиси журналистларга маълум қилди.

Эслайтиб ўтамиз, 2007 йил февралда томонларнинг келишувига мувофиқ 60 кун давомида, яъни 14 апрелга қадар Шимолий Корея



Йонбенадаги ядро мажмуасини ёпиқлиги ва МАГАТЭ инспекторларини ўзининг ядро объектларига киритиши керак эди. Бунинг эвазига мамлакатга иқтисодий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатилади.



Тўсиқ ҳам дош беролмади

Австриянинг тоғли худудида жойлашган Обертаурэн сихатгоҳи биносига ер кўчиши оқибатида жиддий зарар етди. Сўнгги маълумотларга кўра, олти киши

жароҳатланган. Қутқарувчиларнинг сўзларига қараганда, 2003 йилда меҳмонхонани бу каби табиий офатлардан ҳимоя қилувчи бетон тўсиқ қурилган эди. Лекин тўсиқ ер кўчишини ушлаб қололмади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

SIRUBA

под заказ ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

184-83-25 184-83-26 142-77-03

Давлат, ҳиссий ва тўқимчилик шакли тўрлига бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

2007 йил 10 апрелдан 10 майга ошхоналар учун қўйидаги технологик, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини аниқлайдиган лаборатория ҳисобларини ётказиб бериш бўйича текдёр эълон қилади:

ТЕХНОЛОГИК ҲИЖОЗЛАР:

картошка тозалайдиган машина; умумий ишларни бақарадиган ошхона универсал машинаси; идиш-товоқ ювиш машинаси; биринчи ва иккинчи таомлар учун кўча электр мармитлари; механик гўштқиймалагич; 100 литр ҳажмгача бўлган махсус овқат пишириш қозонлари; 0,24-0,34 кв.м.ли электр плитаси; 0,48-0,51 кв.м.ли электр плитаси; электр това (сковорода); картошка қовурадиган электр идиш (фритюрница); нон кесадиған механик асқоб; электр қовуриш шкафи; новвой шкафи; паст ҳароратли музлатиш камераси; ўрта ҳароратли музлатиш камераси; музлатиш шкафи; кўча ванна; ПКС-3 М типидаги кўча ошхона; ХН-0,4 новвойхонаси; ПП-40 кўча плитаси; устахона МРХТ-53 усқунаси билан; сув учун МЦПТ-5,5 типидаги автомобильцистерна; ярим тиркама рефрижераторли автомобиль; изометрик автомобиль фуқрон; нон ташийдиган автомобиль фуқрон; мужассамланган автомобиль фуқрон; «ШМЕЛЬ» типидаги примус; КН-Ю типидаги ошхона тўплами; КН-5 Э типидаги ошхона тўплами; КР-30-01 кўча ошхонаси; микротўқинли печь; котлет тайёрлайдиган автомат; фитобар учун усқуналар; ТВН-12 термоси; ТН-36 термоси; маиший электр музлатгич; электрон стол тарозилари; 500 кг. гача тортадиган тарозилар; алюминий ёки зангламайдиган пўлатдан ишланган (400 та манти пишира оладиган) манти қасқони; ўзига-ўзи хизмат қилиш линияси.

ЛАБОРАТОРИЯ УСҚУНАЛАРИ:

ЕВ53 қуритиш шкафи; микробиологик инкубатор; соқслета аппарати; муфель печи; дистиллятор; асал сифатини аниқлайдиган рефрактометр; диодноматриқ спектрофотометр; лаборатория центрифугаси; сўт центрифугаси; сув билан иситиш усқунаси (бана водьяная); НВ 43 намлик анализатори; ўта аниқ тортадиган (прецизионные) электрон тарозилар; икки каналли рН ионометри тўплами электрод билан; автоклав.

Тендер ҳужжатларини олиш учун 75 000 сўмни Тошкент шаҳри «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қўйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 2021000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2007 йил 10 май соат 12.00 гача.

Маълумот олиш учун ҳар қуни соат 9.00 дан 18.00 гача қўйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.

Давлат, ҳиссий ва тўқимчилик шакли тўрлига бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

танилов асосида қўйидаги ошхона идиш-товоқлари ва анжомларини сотиб олади:

ЗАНГЛАМАЙДИГАН ПЎЛАТДАН ИШЛАНГАН:

3 литрли кастрюль; 2 литрли кастрюль; 2-3 литрли чойнак; 1-таом учун товоқ; 2-таом учун товоқ; салат учун товоқ; соус учун товоқ; стакан; қанддон; гардиши зангламайдиган пўлатдан ишланган зирвор идишлари; чўмич (разливательная ложка); ошқошиқ; чойқошиқ; гуруч учун қошиқ; ошхона пичоғи; патнис; ошхона вилкаси; болалар ошқошиғи; болалар чойқошиғи; болалар ошхона вилкаси.

ЧИННИ, ШИША, АЛЮМИНИЙДАН ИШЛАНГАН ИДИШ-ТОВОҚ ВА БУОМЛАР:

600 гр. ҳажмли коса; 450 гр. ҳажмли кичик тарелка; салат учун 300 гр. ҳажмли кичик тарелка; 250 мл. ҳажмли бокал ёки кружка; 250 мл. ҳажмли шишадан ишланган киррал чой стакани; зирворлар учун идиш; шишадан ишланган графин ёки кўза; хўл мевалар учун ваза; алюминийдан ишланган 3-4 ва 5-6 литрли овқат идиши (кастрюль); 3 литрли (алюминий ёки сирланган) чойнак; алюминий ёки пластмассадан ишланган овқат идиши ва чойнак тағлиги (подставка); электр чойнак; чой сервизи; 300 гр. ҳажмли десерт тарелкаси; 200 гр. ҳажмли пирожка тарелкаси; 300 гр. ҳажмли ярим порцияли тарелка; 100 мл. ҳажмли ушлагичли кружка (оғиз чайқаш учун).

ОШХОНА АНЖОМЛАРИ:

салфетка учун халқа; пластмасса ёки зангламайдиган пўлатдан ишланган патнис; қозондан гўштни олиш учун вилка; алюминий човли; ҳажми 20, 40, 50, 60 литрли плита устига қўйиладиган алюминий ёки зангламайдиган пўлатдан ишланган қозонлар; қирқадиган асқоб (секач); ҳажми 0,25-0,6 литрли чўмичлар; котлет тайёрлайдиган автомат; бир, икки ва уч секцияли идиш-товоқ ювиш ваннаси; озиқ-овқат солиш учун идишлар (таралар) тўплами; ошхона тоза идиш-товоқларини ташийш учун арава; гўшт ва балиқ ташийш учун қути (яшиқ); сабзавот ташийш учун қути; зигир толасидан тайёрланган салфетка; зигир толасидан тайёрланган дастурхон учун мато; универсал кўча стеллаж; биринчи ва иккинчи таомларни тарқатиш учун кўча стол; нон кесадиған асқобни ўрнатиш учун стол; нон ва қандни тарелкаларда сақлаш учун стол.

Тижорат таклифлари ва намуналар ҳар қуни соат 10.00 дан 17.00 гача (шанба ва яқшанбадан ташқари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг руҳсатнома бериш бюросида) эълон чоп этилгандан бошлаб 15 иш қуни давомида қабул қилинади.

Тижорат таклифларини қўйидаги манзилга юбориш лозим: 100000, Тошкент шаҳри, академик Абдуллаев кўчаси, 100-уй.

Маълумот олиш учун ҳар қуни соат 9.00 дан 18.00 гача қўйидаги телефон орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54. Факс: 8 10 998 (371) 162-82-28.

(Давоми. Боши 1-бетда).

вий келин либосига ноёб антика безак сифатида пайванд қила олганлиги мағриб-маширкиш, Фарбу Шарқ либос анъаналари синтезани аллақачон қойилмақом қилиб қўйган француз кутуръелари учун ҳам кашфиёт бўлди.

Ўзбек миллий маданиятининг руҳи ва ашёлари худди қимматбахо безак мисоли келин либосига мос тушганлиги билан нозик дидли мода ишқибозларининг диққатини ўзига жалб этди. Бундай тантаналарни Франция тупроғида, Парижда, Лувр саройида рўй бераётганини ҳис этганининг ўзиде инсонни ўзгача ҳаяжонлантирди. Бу маросимда бевосита иштирок этганларнинг хурсандчилигини эса асти қўверинг. Намойиш тугайдан кейин ҳам ана вақтгача томошабинлар тарқалишга сира шошилмадилар, улар ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар. Эсимда, бундан икки-уч йил аввал қизқарлик бир хабар кўзга ташланганди. Бир йилда Францияга келадиган 75 миллион сайёҳдан 50 миллиони албатта Парижга кириб ўтса, уларнинг 20 миллиони афсонавий Жақондани кўриш ниятида Луврга қадам ранжида қилар экан. Хуллас, Париж аллақачон жаҳон маданияти марказларидан бирига айланган ва шундай бўлиб қолмоқда. Буни, албатта, инобатга олиш керак.

Намойишдан кейинги мулоқотлардан шу нарса яхши маълум бўлдики, бу ерда таодифий кимса йўқ. Сўхбатдош хонимлардан бирининг айтишича, у бундан 2 йил олдин Ўзбекистонда бўлган. Тошкентдаги француз тили мактабига кўнгилли сифатида келган экан. У бизларнинг тўй маросимларимизда иштирок этгани, баъзан миллий санъатимизга умуман ёт намуналарга дуч келиб ҳайрон бўлганини аниқ таъбирди. У бу ерда анъанавий урф-одатларимиз билан ҳамохан бўлган замонавий, ҳақиқий ўзбек маданияти намойишини кўраётганидан хурсандчилигини билдирди. Бошқа бир сўхбатдошимиз Париж модлар оламидан бўлган нуфузли журнал вакили эди. Бу хоним ҳам бизнинг юртимизда бўлган экан. Муҳаббат сифатида ўз шахсий тажрибасига таяниб, янги авлод ўзбек дизайнерлари ўзбек анъанавий этнографик намуналарини юксак даражада тақдир этганлигини қўллаб-қувватлади.

Ўзбек фотографиясининг 125 йиллиги кўргазмаси Франция Сенатининг Люксембург саройида намойиш этилди. Албатта, дунё аҳли кейинги асрлар давомида "Замонавий маданият шабдаси" Гарбдан, Европадан, хусусан Франциядан эсади деган қоллига ўрганиб қолишган. Ака-ука фотограф Люмьерларнинг кашфиёти бутун жаҳон бўйлаб жуда тез суръатда ёйилди. Табиийки унинг нафаси Ўзбекистонга ҳам жуда тез етиб келди.

Тарихга назар ташлайлик, фақат XIX аср 80 йилларидаёқ профессоронал фотограф Генри Мозер ўлкамизга тўрт марта иккидун сафар қилган. Машҳур соатсознинг ўғли бўлган Генри 1885 йил Парижда фотоальбомини нашр эттириб, Европанинг энг машҳур шарқшунос ориенталистларидан бирига айланган. 1890 йиллар охирида Фахрий легион ордени соҳибини, машҳур сайёҳ ва фотограф Гуго Крафт ҳам юртимизга иккидун сафарга келган. 1902 йилда босилиб чиққан фотоальбомда сайёҳ юртимиз кишилари ҳаётини гавдалантирган эди. Жаҳон фотографиясининг энг йиланмаёндаси, парижлик таниқли фотографнинг ўғли Феликс Надар Польш ҳам 1890 йилда заманимизга атайлаб келиб, юзлаб фотосуратлар тур-

кумини олган. Айни шу фотосуратлар орадан 100 йил ўтгач, 1995 йилда Тошкентда унинг шахсий кўргазмасида илк бора намойиш этилди. Утган асрнинг 30-йилларида Парижда этнограф Луи Марин экспедицияси материаллари нашр этилган. Машҳур француз этнографи Луи Марин 1899 йилда ўлкамизга қилган сафари фотосуратлар альбомини бугунги кунда ўта ноёб нашр ҳисобланади.

Умуман, Ўзбекистон тарихи бой ўлка сифатида Францияда анча маълум. Бу биринчи навбатда фотография туғайли. Фотография дунда кўллаб беаҳо ишлаш негативлардан фотосуратларнинг сақланганлигини эслаш жоиз. Унда нафақат халқимиз, балки жаҳон маданиятининг мероси бўлган миллий обид ва ёдгорликларимиз акс этган. Эҳтимол айнан ана шу манбалар ҳам Францияни Шарқни чўқур, хар томонлама тадқиқ этувчи фан — ори-

цуз санъатшунослари, томошабинларнинг мулоҳазаларидан ҳаяжонланишнинг ўзи кино қўлмайдди. Аксинча, уларнинг таассуротларини диққат билан эшитиш, ўрганиш лозим.

Кўргазманинг очилиш маросимида сенатор Аймери де Монтегкю сўзга чиқиб, бу қадимий фотосуратларга қараб туриб, киши бир аср аввалги ҳаётни, ўша замонлар ҳаёти маданиятини кўргандай бўлади, деб таъкидлади. Ҳақиқатан, қадимий қўлёмалар ёки археологик топилмаларни муҳаббат билан кўришга тўзғиб бўлмайди. Фотография эса "вақт машинаси" оғпа-осон орқага қайтаради. Утган замонларда олинган, қайсибир мамлакат қишлоғи ҳаёти муҳаббат қолдирилган фотосуратларга таржимон ҳам, бошқа муҳаббат ҳам керак эмас. Фотосуратларга қараб, томошабин утган замонларга, турли ўлкаларга бемалол "саёҳат" қилаверади.

лобчиси Маратнинг аянчи тақдирга ўхшати. Марат инқилоб қурбонига айланган. Нозик ва чуқур маънога эга таққослаш шундан далолат берадики, Франция тарихини қандай бўлса, шундайлигича, ёруғ ва қора қўланкалари билан бирга, ажралмас ҳолда эслашди.

Усмилригида ўзбек фотографиясининг қадиргоҳи, кейинчалик Хоразмда вазир бўлган Девонов ўтган асрнинг 30-йилларида қатғон қурбон бўлди. Унинг тақдирини ҳам машҳур француз Марат тақдирини синга чигал ва фожевий қарама-қаршиликларга тўлалиги билан уйкашди.

Меҳмонлар орасида Париж шаҳрининг биринчи округи мэри Франсуа Легаре кўргазма билан танишар экан, ўз даврига хос бўлган идеаллашган "Жисмоний тарбиячилар намойиши" ва "Амударё ёлканлари" суратларидан ҳайратланганлигини айтди. Франсуа Легаре "Радиокарнавалларда фронт хабарларини тингламоқдалар", "Фарход канали қазувчиларининг ўз гулларига йилгилан жанговар самолётни харбийларга топшириши" каби суратларни кўздан кечирар экан, оддий ўзбек меҳнатқиларининг фашизмга қарши курашда француз ва бошқа европалликлар билан ёлқош бўлганлигини ана шу фотосуратлар орқали чуқур ҳис этишини билдирди. Бу суратлар бошқаларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг фикрича, эҳтимол айнан шу самолётда ҳам машҳур Нормандия-Неман эскадрильясининг ўнучилари Европани фашизмдан ҳимоя қилган бўлса ажаб эмас. Ким билари дейсиз, бу тахминларда қанчалик жон бор, аммо нима бўлганда ҳам дунё тарихидаги бундай ўхшашликлар фақат одамларни бир-бирига яқинлаштириши аниқ.

Канал қазичи каби оғир жисмоний ишларни уйдалаган ўзбек аёллари акс эттирилган уруш давридаги сурат француз хонимларида ўз тарихлари билан ҳамоханлигини эслабди, оддий ўзбек аёли жасоратини машҳур француз аёллари тимсоли билан қиёслашди.

Айтиш мумкинки, қўлчино хоржий вернисаж ва шунга ўхшаш тадбирлар баъзан расмий урғуш ва музокаралар учун ўштирилиб, бу ерда меҳмонлар қўлчино эркин сўхбат давомида муҳим масалаларни ҳам ҳал қилишади. Нима ҳам дердик, олам шундай яратилган. Аммо, бу кўргазмада намойиш этилган фотосуратлар қўлчино ҳаяжонга солинб, турфа таассуротлар уйғотди. Утмишининг эркин лаҳзалари акс этган бу олам кўргазмага келганларнинг маънавий олами билан қоришиб кетди.

Шарқ донишмандларидан бири Конфуций "Сибсат бу Тарихнинг қизидир, Тарих эса Географиянинг" деб ёзиб қолдирган. Франция ва Ўзбекистон орасидаги тарихий алоқалар ҳам жуда қадимийдир. Айтишларича, Буюк Амир Темур Францияга бўлган эҳтиром сифатида туманлардан бири унинг пойтахтига атаб Фозир деб номлаган. Бу шаҳарча ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон харитасида мавжуд. Францияда эса Европанинг халоскори сифатида улуғлаш маъносига Сохибқиронга атаб ҳайкал қўйилган экан. Ҳозирги кунда ҳам бу икки халқ орасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари тобора ривож топмоқда.

Турсун АЛИ, фотосуратчи, Жованни Кресси Халқаро конкурс бронза медали совриндори.



ПАРИЖ

СИНОВЛАРИ

ентализм ватани деб тан олиншига асос бўлаётгандир.

Парижда илк бора ва жуда ҳиддий концепция асосида танланган кўргазмада ўзбек фотографиясининг ноёб ишлари қўйилди. Томошабинлардан бири фотосуратлари жанрлар бўйича уч гуруҳга ажратишини таъкидлади. Аммо фотография кўз олдида илк фотографияларнинг Туркистон манзаралари акс эттирилган фотосуратлари билан ёнма-ён мустақил Ўзбекистон фотосталлари ижоди ҳам намойиш этилди.

Ушбу кўргазмани тайёрлаш, Ўзбек фотографиясининг 125 йиллик тарихига оид материалларни ўрганиш жараёнида нафақат фотографлар, балки француз маданиятининг бошқа соҳа намойндалари ҳам ўлкамизга катта қизиқиш билан қарагани, улар жаҳон тамаддуни бешикларидан бири бўлган қўна шаҳарларимизга бир марта бўлса-да келиш орсидида эканлигига амин бўлди.

Ҳозир ўзаро ҳамкорлик алоқалари анча кенгайган. Француз қадимшунослари Афросиёб ва Сурхондарёда, ўлкамиз тарихининг ҳали оламшумул кашфиётлари навбат кутиб ётган заминдаги турли қўрғонларда археологик тадқиқотлар олиб боришмоқда. Шуниси қувонарлики, ЮНЕСКО қарорига мувофиқ қадимий Самарқанднинг ёши 2750 йил деб белгиланишида албатта француз қадимшунослари ва археологларининг ҳам катта ҳиссаси бор.

Францияда дунёни идрок этиш соҳасида муайян анъаналар шаклланиган. Бу ердаги санъатшунослик, маданиятшунослик мактаблари дунёга машҳур. Улар бутун жаҳонда маданият, бадиий эстетик тафрак-кур ривожига самарали таъсир кўрсатиб келади. Шунинг учун фран-

Кўргазма ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмади. Хар бир томошабин ундан ўз маданий савияси, дунёқароши, қизиқишлариغا мувофиқ таассурот олди. Томошабинлардан бири фотосуратлари жанрлар бўйича уч гуруҳга ажратишини таъкидлади. Аммо фотография кўз олдида илк фотографияларнинг Туркистон манзаралари акс эттирилган фотосуратлари билан ёнма-ён мустақил Ўзбекистон фотосталлари ижоди ҳам намойиш этилди.

Ушбу кўргазмани тайёрлаш, Ўзбек фотографиясининг 125 йиллик тарихига оид материалларни ўрганиш жараёнида нафақат фотографлар, балки француз маданиятининг бошқа соҳа намойндалари ҳам ўлкамизга катта қизиқиш билан қарагани, улар жаҳон тамаддуни бешикларидан бири бўлган қўна шаҳарларимизга бир марта бўлса-да келиш орсидида эканлигига амин бўлди.

Ҳозир ўзаро ҳамкорлик алоқалари анча кенгайган. Француз қадимшунослари Афросиёб ва Сурхондарёда, ўлкамиз тарихининг ҳали оламшумул кашфиётлари навбат кутиб ётган заминдаги турли қўрғонларда археологик тадқиқотлар олиб боришмоқда. Шуниси қувонарлики, ЮНЕСКО қарорига мувофиқ қадимий Самарқанднинг ёши 2750 йил деб белгиланишида албатта француз қадимшунослари ва археологларининг ҳам катта ҳиссаси бор.

Францияда дунёни идрок этиш соҳасида муайян анъаналар шаклланиган. Бу ердаги санъатшунослик, маданиятшунослик мактаблари дунёга машҳур. Улар бутун жаҳонда маданият, бадиий эстетик тафрак-кур ривожига самарали таъсир кўрсатиб келади. Шунинг учун фран-

Кўргазмада илк ўзбек фотографи Худойберган Девоновнинг ишлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазмага келган томошабинлардан бири ўзбек фотографиясининг фожали қисматини француз инқи-

Турсун АЛИ, фотосуратчи, Жованни Кресси Халқаро конкурс бронза медали совриндори.

Российский

Обои

ЛИНОЛЕУМ

ВИНИЛОВЫЕ

Форма оплаты — любая

Товар сертифицирован

тел. 134-48-11

303-38-77

факс 134-49-58

«Ўткан кунлар» — барҳаёт асар

Адабиёт оламида мангуликка дахлдор асарлар ёзиш, баракали иход қилиш, энг муҳими, китобхонлар қалбидан муҳим жой эгаллаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Эл-юрт дардини ўзиникидек билиб, халқнинг орзу армонларини, қувонч ва ташвишларини тереан тушунган хассос адиб Абдулла Қодирийнинг ёзганлари, хоҳ ҳикоя ёки бошқа йўналишдаги асар бўлсин, китобхонларнинг сеvimли мулкига айлангани бежиз эмас. "Ўткан кунлар" романи ана шундай бебаҳо асардир.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси мумтоз адибимиз Абдулла Қодирийнинг мазкур романини янгидан нашрдан чиқарди. Асар дунё юзини қўрибдики, у ҳақда жуда кўп фикрлар айтилган, айтилмоқда. Чунки асарнинг аҳамиятга молик жihatларидан бири шундаки, унда фақат ўтмишимиздаги мураккаб давр эмас, балки халқимизга хос урф-одатлар, ота-она ва фарзанд муомаласи, эр-хотин ўртасидаги муносабат, муҳаббат мавзуси юксак даражада таъсирланган. Шунинг учун бўлса керак, асарни қўлга олган китобхон, албатта, уни ҳажон билан мутолага қилади.

Адиб таваллудига 113 йил тўлган шу кунларда 5000 нусхада чоп этилган мазкур асар муҳлисларга яхши совға бўлди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" муҳбири.

«Аяжонларим» яна саҳнада

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусикали драма театри жамоаси Абдулла Қаҳҳорнинг юз йиллиги олдидан ёзувчининг икки пардалли «Аяжонларим» комедиясини қайта саҳнага қўйди. Асар ўтган асрнинг 60-йилларида шу театрда илк бор саҳналаштирилганди.

Пардаёв бўлиб, ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Майрамжон Маҳмудова, Йўлдошли Мирқўрбонова, таърибчи актёрлар Қаноатхон Мирробилов, Убайдулла Йўлдошев, Гавҳар Аралова ва бошқалар ижро этишмоқда. Саҳна безакларини рассом Хайрулла Чоршанбиев ишлаган.

М. АЗИМОВ.

«Аяжонларим»нинг режиссёри Неъмат

«Шарқ Model» қўшма корхонасига тегишли, бошланғич баҳоси — 2 693 485 170 сўм бўлган бино ва иншоот ҳамда ишлаб чиқариш мажмуалари (4-қаватли ишлаб чиқариш биноси 1, 2, 4-қавати ва В-блок 2-қават ошхона биноси ҳамда шу бинода жойлашган трикотаж маҳсулотли ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна мажмуалари) объекти бўйича Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманлараро суди ажримига асосан аукцион савдолари тўхтатилганлигини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» маълум қилади.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25

132-10-63

242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо департаментининг «Toshkent oziq-ovqat zaxirasi» давлат унитар корхонаси жамоаси корхона директори Уринбосари Жаҳонгир Орифжоновга волидаси

ЗАҲРОХОН

ҲОЖОНОВНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихдор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Копибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида геральди ва операторлар Жамшед Тогаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй, Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — В. Эгамқулов. Навбатчи — М. Охунова. Мусоҳиҳ — М. Ҳубона.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 23.15 2 3 4 5 6